



Taqiqot.uz



АНДУМАН | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022  
ДЕКАБР  
№47



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)

[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
4-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-4**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-4**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўкув ишлари бўйича декан ўринбосари

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибай Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чарiev Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқовиҷ, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Проф. Хамидов Мухаммадхон Хамидович «ТИИМСХ»

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Сахифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов: tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ  
ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ**

<b>1. Заретдинова Несибели Курбанбаевна</b> ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	7
--	---



## СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

### ЁШЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (Шарқ мутафаккирлари таълимотлари асосида)

Заретдинова Несибели Курбанбаевна,  
Бердақ номидаги Қорақалпок Давлат Университети  
«Ижтимоий фанлар» кафедраси дцент в.в.б.  
Телефон:+998913067348  
znesibeli1986@mail.ru

**АННОТАЦИЯ:** Ёшларнинг касб танлашининг туғри шаклланишида шарқ мутафаккирларининг қараашларидан фойдаланиш мумкунлиги, ҳар бир вояга етган шахснинг бир ёки бир нечта ҳунар турларини билиш зарурати, болаларимизни кичкиналигига даёқ касб турлари билан танишитириб бориш ва давлатимиз томонидан амалга оширилиши керак бўлган вазифаларнинг аҳамияти ҳақида тўқталиб ўтилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** касб, оила, фарзанд, ёшлар, ҳунар, касбга йўналтириш, касб танлаш, социология, социометрия.

Касб – бу қадимдан вужудга келган, меҳнат фаолиятининг барқарор шакллари, бунда шахс маълум назарий билим ва амалий тажрибага, кўникумга, алоҳида қобилиятларга ва касбий муҳим фазилатларга эга бўлиши керак. Бу нафақат шахс меҳнат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган, балки унинг қараашлари, қадриятлари, қизиқишлигини шакллантиришда муҳим рол ўйнайдиган шахсиятнинг муҳим хусусияти бўлиб, шахснинг ижтимоий мавқеи, унинг ўзини ўзи амалга ошириш усуслари, хулқ-атвори ва бошқаларни аниқлашга ҳисса кўшади.

Касбий шаклланиш кент маънода инсоннинг ўз онгининг ақлли қобилиятлари, жисмоний имкониятлари ёки бошқа соҳаларга бўлган яроқлилик, қизиқиши ва интилишлари, шунингдек, қадрият ва дунёқараашларида бир касб соҳасида таълим олиши кейин шу соҳага кириб бориши, сўнгти йилларда етишган ва тажрибали кадр бўлиб етишиши тушунилади. Сўзсиз бу мураккаб, чексиз, орқага қайтарилмайдиган муҳим жараён бўлиб, бунда инсоннинг қизиқиши йўлидан унумли фойдаланиб шакллантириш бугунги куннинг муҳим муаммоларидан биридир.

Ёшларнинг касбий танлови масалалари нафақат замонавий илм-фаннинг ўрганиши обьекти бўлиб қолмасдан, тарихий ривожланишнинг турли босқичларида ижтимоий тафаккур вакилларининг диққат марказида бўлиб келган. Ёшларнинг касб танлашининг тўғри шаклланишида Шарқ мутафаккирларининг дунёқарашидан фойдаланиш мумкин. Шарқда ёшларга таълим ва тарбия бериш, уларга касб-ҳунар ўргатиш қадимий дастурлардан ҳисобланади.

Халқимизнинг ёш авлод тарбиясига қай даражада эътибор берганлиги турли нақлмақоллар ва афсоналарнинг асрлар бўйи тўпланиб келганлигидан ва улар ҳанузгача аҳамиятини йўқотмаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, «Устоздан ўзмаган шогирд-шогирд эмас», «Ҳунарли одам хор бўлмайди», «Йигит кишига етмиш ҳунар оз», «Дангасалик-камбағалликнинг остонаси» ва ҳоказо[1]. Бу ҳикматли сўзлар, нақллар қадим даврлардан буён ота-боболаримизнинг ёш авлодни маънавий ва жисмоний томондан комил инсон ва ўзига хос касбни эгаллашга талпинтиришга хизмат қиласди.

Шарқ мутафаккирлари таълимотларида ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга уларни касб-ҳунарга ўргатиш фояси ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, Абу Наср Форобий [2], Абу Райхон Беруний [3], Юсуф Ҳос Ҳожиб [4], Бердақ [5] ва бошқалар асарларида ҳар томонлама муҳокама қилинган.

Буюк мутафаккир Абу Наср ал-Форобий касб-ҳунар ҳақида ўз фикрларини, қимматли



маслаҳатларини берган. Унинг фикрича таълим – билим ва кўникмалар йигиндиси, тарбия эса амалий тажрибалардан иборат бўлиб, иш – ҳаракат, яққол касб-хунарга берилган, унинг билан қизиққан одамлар шу касб-хунарнинг чиндан ҳавасли бўлади [6]. Бундай тушунчалардан касб-хунарнинг инсоният учун азалдан жуда зарур эканлигини сезиш қийинчилик туғдирмайди.

Хусусан, буюк мутафаккир Абу Райхон Берунийнинг «Менга ёшларингизни кўрсатсангиз давлатингизнинг эртанги куни қандай бўлишини айтиб бераман» [7] – деб ёзган сўзлари алоҳида аҳамият касб этади. Ёшлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий янгиланишларининг асосий субъекти сифатида жамиятда рўй бераётган жараёнларга ўз таъсирини ўтказади.

Абу Райхон ал-Беруний инсон ривожланишида касб ва касбий тарбия ҳақида жуда муҳим мулоҳазаларини баён қиласди. У ҳар бир хунар эгасининг меҳнатига қараб оғир меҳнат сифатида уй қурувчи, кўумир қазувчи, хунарманд ҳамда илм-фан билан шуғулланувчи турларга ажратади. Таъкидлаб ўтиш мумкинки, олимлар меҳнатига алоҳида эътибор бериш, оқ кўнгилли бўлишга ундейди. Уларни зиё тарқатувчилар, жамият янгиланишига ҳисса кўшувчилар, деб атайди. Шу билан бирга, оғир меҳнат қилувчилар, шахтёрлар, ер остида гавҳар қидирувчилар, дехқонларнинг меҳнатини рағбатлантириб туриш кераклигини уқтиради. Сабаби, шу меҳнаткашлар мамлакат таянчи, деб далилланган. Беруний болаларни касб-хунарга ўргатиш усуслари, йўллари ҳақида ҳам фикр юритиб, болаларни кичик ёшдан бошлаб меҳнатга ўргатиш керак дейди [8]. Касбий тарбия мероси, шу давр тарбия дастурига мос ва жуда муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, эртадан ҳар бир вояга етган инсон подшоҳ ва оддий фуқаро хунарнинг бир ёки бир қанча турларини билиши зарур ҳисобланган. Шу сабабли атоқли инсонлар, бойлар ҳам, оддий фуқаро ҳам ўз фарзандларини билимли бўлиши билан бирга касб-хунарли бўлишига ҳам эътибор беришган ва бундай ёзилмаган қоидаларни бирдек бажаришга интилган. Беруний инсон ҳар томонлама камол топиши учун билимли бўлиши билан бирга меҳнатсевар ва хунар эгаси бўлиши кераклигини таъкидлайди [9].. Чунки, одам жамияти пайдо бўлганидан бошлаб, одамлар ўз меҳнати ва хунари билан кун кечиришига мажбур бўлган ва ҳаётда вазифа сифатида қабул қилинган.

Абу Али ибн Сино фикрича, ҳар бир болани маълум бир хунарга ўргатиш керак. Ёш йигит муайян хунарни ўрганса, уни ҳаётида фойдаланиб ва шу касб асосида оиласини мустақил таъминлайдиган бўлса, уни ота-онаси уйлантириши керак, деб ҳисобланади [10]. Хунар ўрганиш орқали ёшларда чидамлилиқ, бағрикенглик, сабрлилиқ, меҳнатсеварлик, хунармандчилик, лаёқатлилиқ, донолик каби инсоний фазилатлари шаклланади.

Юсуф Хос Ҳожиб жамият тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигига муҳим ўринга эга бўлган дехқонлар, чорвадорлар, савдогарлар, табиблар, олимлар ҳақида муҳим фикрларини баён этган ва ҳар бирининг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб берган. Дехқонлар ва чорвадорларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда тутган ўрнини юқори баҳолайди ва уларнинг меҳнати энг улуғ ва шарафли, муқаддас эканлигини таърифлайди [11]. Юсуф Хос Ҳожибининг ўша даврда хунармандларга нақадар хайриҳоҳлиги ўз-ўзидан эмас эди. Давлатнинг тинч, осойишталиги, жаҳонда тутган мавқеи, бойлиги, ҳалқнинг фаровонлиги ана шу тоифадаги кишиларга боғлиқ бўлган. Зоро, касб-хунар таълими ижтимоий-сиёсий, моддий ва маданий тараққиётнинг ўлчов бирлиги ҳисобланган. Кўриниб турибдики, олим жамиятнинг ривожланишига ҳисса кўшган ҳар бир касб-хунар эгасини улуғлайди ва уларни қадрлаш зарурлигини таъкидлайди.

Кайковус жамият тараққиётида илм билан бирга касб-хунарнинг зарурлигини таъкидлайди: Агар киши ҳар қанча олий насаф ва асл бўлса-ю, аммо хунари бўлмаса, бу ҳалойиқнинг иззат ва ҳурматидан ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим қиласур, насл-насаф қилолмас. Исмни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга фарра бўлмагин. Аммо сен хунар билан бир номга эга бўлгил [12]. Шунинг учун ҳам асарда турли касб эгалари улуғлланади.

Саъдий билим олиш билан бирга хунарнинг инсон учун қай даражада афзаллигини келтириб ўтади. «Хунар қайнар булоқ, туганмас давлат. Агар хунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдур. Хунарманд қаерга борса қадрланади ва уйининг тўридан жой олади. Хунарсиз одам ҳамиша машаққат чекади. Тиланчилик қиласди» [13]. Бу Саъдийнинг инсон учун илм-хунарнинг қай даражада улуғворлигини таъкидовчи фикрларинингifo-



дасидир.

Жомий ҳам худди Форобий каби фойдали қасб-хунарни эгаллашни ёшларнинг асосий бурчи деб ҳисоблайди [14,33]. У бир одам икки ишни эплай олмаслигини таъкидлайди, факат муайян бир хунар билан шуғулланиш, уни пухта ўзлаштириш лозимлиги ҳақида гапиради. Жомий хунар эгаллашни, у билан шуғулланишни ҳар қандай бойликдан афзал кўради. Ёшларни хунар эгаллашга чақиради.

Юқорида кўрсатилганидек, тарихий тараққиётнинг турли даврларида ёшлар кўп хунарли меҳнатга тайёр ҳолда тарбияланган. Янги шароитларда ёшларни ўзларича хулосага келиш, шу хулосаларнинг реаллиги ва оқибатларига масъулият юклаш ва эгалланган мавқеини тегишли эмас, балки ўзининг шахсий тавсифномаларини қасбий, саводлилик, ижтимоий мобиллиги ва бошқа тегишли рақобат субъектига мос бўлишига йўналтириб тарбиялашни ҳозирги замон талаби, деб ҳисоблаймиз.

Демак, олдинги даврда қадриятлар марказида жамиятдаги муҳим қадриятлар бўлган. Аммо, ҳозирги ўзгарган ижтимоий жараёнлар ва омилларда ёш авлодни қадриятларга йўналтиришда чуқур ўзгаришлар юзага келди ва улар қасб танлаш структурасида шакллантирилди. Чунки қадриятларга йўналтириш бу субъектнинг идеал нуқтаи-назаридан маъноли тавсифномасини беради, реал қасб танлаш ва қизиқишларга етарли бўлмаган даражада асос бўлади. Ўз навбатида қадриятларга йўналтиришнинг динамик тавсифномаси инсон ҳаракати имкониятларини гавдалантиради. Шунинг учун қасб танлаш жараёни субъектнинг индивидуал нуқтаи-назаридан ўз қадриятларга йўналтиришларига мос бўлади. Ваҳоланки, у ўзининг реал ва потенциал имкониятларини адекват ҳолда тушуниши керақ, деб ўйлаймиз.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, шарқ алломалари асарларидаги қасб танлаш, қасбга йўналтириш борасидаги фикрларни ўрганиш уларни ҳаётга татбиқ этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни онгли қасб танлашига ёрдам беради. Болаларни ёшлигидан бошлаб қасб-хунарга ўргатиш жамиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Уларда қасбга хос тушунча ва тасаввур билимларнинг бойитилишига хизмат қиласи.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Аждодлар ўгити, ҳикоялар, ҳикматлар / Тўпловчи Б.Аҳмедов. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1990. – Б. 240.
- 2.Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993 Б. 223.
- 3.Беруний Абу Райхон. Памятники минувших поколений.–Тошкент.,1997.Т. 1. – С. 487.
- 4.Юсуф Хос Хожиб. Кутадғу билиг. – Тошкент: «Фан», 1972.
- 5.Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари. Бердаҳ шоир танланган асарлар. – Нукус., 2019. – Б. 23-39.
- 6.Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 316.
- 7.Беруний Абу Райхон. Памятники минувших поколений. – Тошкент., 1997. Т. 1. – С. 487.
- 8.Ўша манба.
- 9.Хошимов К., Мавлонова Р. Педагогика. – Тошкент., 2001. – Б. 517.
- 10.Ирисов А. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 208.
- 11.Жумабоев Й.. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. – Тошкент, 1997– Б. 99.
- 12.Кайковус. Қобуснома. –Тошкент: «Мерос», 1992. – Б. 173.
- 13.Хошимов К., Мавлонова Р. Педагогика. –Тошкент., 2001. – Б. 517.
- 14.Билолова З.Б. Ёшларнинг қасбий тушунчалари шаклланишида Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашларидан фойдаланиш // Замонавий таълим / Современное образование. 2015. № 10. – С. 33

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-ҚИСМ**

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шоҳруд Фармонович  
**Мусаҳҳих:** Файзиев Фарруҳ Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000